Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 26-fevral. Shanba ● 25 (31.301) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

БОЛАЛАР СПОРТИ — ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ КЕЛАЖАГИ, УНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида 25 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши раиси Ислом Каримов ушбу тузилма ташкил этилганидан буён ўтган даврда амалга оширилган кенг кўламли ишлар, уларнинг аҳамияти, моҳияти ва амалий натижалари ҳақида сўз юритиб, Жамғарма фаолияти ривожига давлат ва ҳукумат идоралари, ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик ва фермерлик субъектлари, нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилик ўз ҳиссасини қўшаётгани, уларнинг бу борадаги ишларни қўллаб-қувватлаши туфайли бу ташкилот қисқа муддатда умуммиллий ҳаракатга айланганини қайд этди.

Бу ҳақда гапирар экан, давлатимиз раҳбари қуйидаги фикрларни алоҳида уқтириб ўтди:

Ушбу йўналишда тўпланган тажрибамиз асосида хулоса чиқариш ва олдимизда турган вазифалар, мақсад-муддаоларимиз хусусида қисқача тўхталиб ўтишни зарур деб биламан. Бунда аввало қуйидаги масалаларга, гарчи улар кўпчиликка маълум бўлса-да, яна бир бор эътиборимизни қаратиш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Биринчидан, фарзандларимизнинг спортга қизиқиши ва интилишини, керак бўлса, спортга бўлган меҳрини айни ёш болалик даридан уйғотган тақдирдагина спорт ҳар қайси одамнинг ҳаётида ҳақиқатан ҳам доимий ҳамроҳ бўлиб қолишига эриша оламиз.

Ҳаётнинг ўзи бу фикрни ҳар қадамда тасдиқлаб беради. Бу фикр-хулосага ҳар биримиз ўз ҳаётимиз, ўз тажрибамиз мисолида ишонч ҳосил қилишимиз қийин эмас, албатта. Яъни, болаларимизни боғча ва мактаб ёшидан спорт оламига жалб этган ҳолда, бу борада кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, ҳар бир кичик боланинг ўзига хос катта дунёси борлигини унутмаслигимиз, бунга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Иккинчидан, бугун ҳеч кимга сир эмас, эрта ёшдан бошлаб спорт билан мунтазам шуғулланадиган болаларгина жисмонан соғлом, бақувват бўлиб вояга етади. Шу асосда ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлмиш соғлом фарзанд ўстириш, аҳолимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш учун катта имкониятлар пайдо бўлади.

Айнан ёшлик чоғидан спорт билан дўст бўлиш боланинг ўз устида ишлаши, характерининг тобланиши, мусобақаларда қатнашиш орқали қатъиятлик ва мардлик хусусиятларининг шаклланиши, ғалабага интилиши, таъбир жоиз бўлса, аввало ўз устидан ғалаба қозониши, бир сўз билан айтганда, мустаҳкам иродага эга бўлиши учун пухта замин яратади.

Ўз устидан ғалаба қозониш деганда, мен ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини интизомга ўргатиш, айрим камчилик ва нуқсонлардан халос бўлиш, синовларни енгиб ўтишни назарда тутаман.

Учинчидан, ўз-ўзидан аёнки, болалар спортини ривожлантирмасдан туриб, ўзбек спортининг келажагини таъминлаш, халқаро майдонда унинг обрў-эътибор қозонишига эришиш мумкин эмас.

Бугунги кунда айнан спорт бутун жаҳонда ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг ўз салоҳиятини намоён этиши, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасига айланиб бораётганини кўриш-кузатиш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда дунёда 7 миллиардга яқин аҳоли яшаётган бўлса, жаҳон миқёсида энг машҳур, таниқли шахслар — бу спортчилардир. Мана, ўтган йили Хитойда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон жамоаси қанча-қанча йирик давлатлар вакиллари орасида юксак шоҳсупага кўтарилганда, шахсан мен тўлқинланиб, ҳаяжонли бир ҳолатни бошимдан кечирдим. Ўйлайманки, бундай ютуқлар барча юртдошларимизга катта қувонч бағишлагани шубҳасиз.

Ёки футбол бўйича мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси Осиё қитъасида ғолиб бўлиб, бу йил Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгани бизнинг спорт ҳаётимиздаги тарихий воқеадир. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу маънода, биз ўзбек спортининг халқаро майдонда ҳар томонлама муносиб ўрин эгаллашига интилар эканмиз, болалар спортини, ўсмирлар спортини тизимли асосда изчил ривожлантирмасдан туриб бу мақсадга эришиб бўлмаслигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бир сўз билан айтганда, **болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг пойдеворига айланиши зарур.**

Тўртинчидан, болалар спорти биз ўз олдимизга қўйган буюк бир мақсадга эришиш учун, яъни баркамол авлодни тарбиялаш, вояга етаётган болаларимизни ҳаётимизда ҳал қилувчи кучга айлантириш, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторидан жой олишида қандай беқиёс ўрин ва аҳамият касб этиши ҳақида бугун ҳеч кимга тушунтириб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Мана, кўряпсизлар, бугунги кунда мамлакатимизда юксак технологиялар асосида ишлайдиган қанча-қанча корхоналар фаолият кўрсатмоқда, уларда юртимиздаги олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларда таълим олган мингминглаб фарзандларимиз меҳнат қилмоқда. Болаларимизнинг мана шундай юқори малакали мутахассис бўлиб камол топишида албатта улар эгаллаган замонавий билим ва кўникмалар билан бир қаторда спорт билан шуғулланиб, соғлом, бақувват бўлиб ўсиб-улғайгани ҳам муҳим омил бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу муносабат билан илгари айтган бир фикрни яна бир бор таъкидлашни ўринли деб биламан: XXI асрда ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, интеллектуал бойликка эга бўлган авлод ва халқгина жаҳон миқёсидаги бугунги кескин мусобақада ғолиб бўла олади.

Агар эътибор берадиган бўлсак, кўпгина хорижий давлатларда шу мамлакат, шу халқни улуғлайдиган, дунёга танитадиган тасвирлар, яъни шоҳсупага кўтарилган спортчилар шаънига давлат байроғининг кўтарилиб, давлат мадҳиясининг янграши билан боғлиқ лавҳалар таъсирчан равишда мунтазам намойиш қилиб борилади.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП: Электорат манфаати

Хотин-қизлар бандлигида касаначиликнинг аҳамияти

Жамият ривожида хотин-қизларнинг ўрни кундан-кунга ортиб бормоқда. Улар ҳар бир соҳада ўз салоҳиятини намойиш этиб, кўплаб ютуқларга эришаяпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиши хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, уларнинг касаначилик, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қулай имкониятлар яратди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан ташкил этилган тадбир «Хотин-қизлар бандлигини таъминлашда касаначиликнинг ўрни ва аҳамияти» мавзуига бағишланди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, ҳамкор ташкилотлар ва электорат вакиллари, партия фаоллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз илгари сурган Концепцияда белгиланган вазифалар, касаначиликни янада ривожлантириш ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, жамиятимизда хотин-қизларга эътибор ва яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Абдухалил РАҲМОНОВ,
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги масъул ходими:

— Биз аҳоли бандлигини таъминлашда, аввало, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари, ички ишлар, меҳнат ва иқтисодиёт бўлимлари билан ҳамкорликда иш юритаяпмиз. Ўтган йили аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ 953 мингдан зиёд иш жойи яратилиб, шундан 458 мингтасини хотин-қизлар банд этди.

Янги иш жойлари ташкил этишда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган ҳудудларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш учун яратилган шарт-шароит, солиқ имтиёзлари ва бошқа амалий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари катта аҳамият касб этади. Аёлларни иш билан таъминлашда уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантириш ғоятда муҳим. Бу йўналишда ўтган йили 210,1 минг иш ўрни яратилган бўлса, шунинг 62 фоизи хотин-қизлар бандлигини таъминлашга хизмат қилди. Касб-ҳунар коллежларини битирган 147 минг нафар қиз ўз вақтида ишга жойлаштирилди.

⇨ 2

Эътироф

Европа Иттифоқи ўз тарихий ролига таянган ҳолда Ўрта Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон билан трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида тўплаган тажрибасини ўртоқлашиши мумкин. Кези келганда шуни ҳам унутмаслик лозимки, Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган баъзи мамлакатларнинг кўзлаётган режалари ушбу дарёлар сув ресурсларининг бир маромдаги тақсимотини таъминлашни ҳамда минтақанинг барча давлатлари аҳолисининг ҳуқуқ ва манфаатларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилмоғи даркор. Афғонистон масаласи ҳақида гап кетганда эса, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов турли халқаро ва минтақавий тадбирларда қайта-қайта таъкидлаганидек, минтақавий ёндашувсиз ва қўшни давлатларнинг бевосита иштирокисиз ушбу мамлакатда тинчликни таъминлаб бўлмаслигини барча англаб етмоғи лозим. Менинг назаримда, Афғонистон муаммосининг сиёсий ечимини минтақавий коллектив хавфсизликни инобатга олмасдан топиш мумкин, деб ўйлаш хато бўлади».

Пьер ШАБАЛ,
Гавр университети халқаро муносабатлар факультети профессори, сиёсатшунос. (Франция)

Депутатлик назорати

Имкониятлар етарли, аммо...

Самарқанд вилоят партия кенгашида «Депутатлик назорати ва ҳуқуқини қўллаш амалиётини такомиллаштириш» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирок этди.

⇨ 2

Жиноятга жазо муқаррар

Бир маҳалла мутасаддилари

томонидан аҳолининг кам таъминланган қатлами учун ажратилган ижтимоий нафақаларнинг талон-торож қилинганлиги ҳақида

⇨ 3

Янгилик

Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш йўлида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида UZ домен зонасида ўзбекистонлик истеъмолчилар учун www.istemolchi.uz янги ахборот ресурси ишга туширилди.

Сайт компьютер орқали он-лайн сўровномасини тўлдириш ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига шикоят юбориш ёки мурожаат қилиш имконини беради. Бундан ташқари, истеъмолчи ўзининг ҳуқуқини бузган ташкилотга расмий мурожаатни мустақил расмийлаштириши, реал вақт режимида маслаҳат олиши, тадбиркор эса бизнес юритиш, айниқса, истеъмолчилар ҳуқуқларига риоя этиш ва рекламаси соҳасидаги асосий қоидалар билан танишиши мумкин. Истеъмолчилар www.istemolchi.uz манзили орқали ўзбек ва рус тилидаги ушбу ресурслардан фойдаланиш имконига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1684,99	1 Миср фунти	283,23	1 СДР	2593,56	10 Жанубий Корея вони	14,88
1 Англия фунт стерлинги	2701,35	1 Канада доллари	1687,64	1 Туркия лираси	1054,23	10 Япония иенаси	200,33
1 БАА дирҳами	453,21	1 Хитой юани	253,51	1 Швейцария франки	1760,65	1 Россия рубли	56,89
1 АҚШ доллари	1664,52	1 Малайзия рингити	548,35	1 Евро	2256,13	1 Украина гривнаси	209,59

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

БОЛАЛАР СПОРТИ — ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ КЕЛАЖАГИ, УНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўйлайманки, бизнинг миллий телевидениемиз ҳам Ўзбекистонимизнинг довруғини дунёга таратадиган айнан мана шундай лавҳаларни кўпроқ намойиш этса, она юртимизнинг халқаро майдондаги тимсолини яратишга кўпроқ эътибор берса, катта маънавий, тарбиявий ишни амалга оширган бўлар эди.

Бешинчидан, биз мана шундай гўзал ва бетакрор, беқиёс бойлик ва имкониятларга, улкан салоҳиятга эга бўлган юртимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган, барча эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга қодир бўлган навқирон авлодни тарбияламоқчи эканмиз, бунинг учун жисмоний тарбия ва спорт ҳаётимизга янада чуқур кириб бориши, айниқса, болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида туриши даркор.

Бу ҳақда фикр юритар экан, Президент Ислом Каримов масаланинг яна бир ўта муҳим жиҳатига эътибор қаратди: кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, спорт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини, маданиятини ошириш, ижтимоий муҳофазани кучайтириш масаласига устувор аҳамият берилиб, комплекс ёндашув натижасида аҳолининг, айниқса, болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, бир мисол келтириш жоиз. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, агар 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 62,6 фоизга етди.

Агар дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70-72 фоизни ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда бу масала бўйича қандай жиддий ўсиш суръатларига эришилаётгани яққол аён бўлади.

Шу билан бирга, 2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш 12,8, пневмония билан касалланиш 15,5, бронхит билан касалланиш 16,2 ва сколиоз билан касалланиш 11,6 фоизга камайди. Сўнгги беш йилда спорт билан шуғулланадиган 10-14 ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 2,3, қиз болаларнинг бўйи 2 сантиметрга ўсгани, вазни эса тегишли равишда 2,6 ва 2,9 килограммга ошганини ҳам шу борадаги ижобий кўрсаткичлар сифатида қайд этиш жоиз.

Лекин биз бундай натижалар билан кифояланмасдан, ўз олдимизга янада улкан мақсадлар қўйишимиз, яъни тараққий топган давлатлар даражасига етиш бўйича мунтазам иш олиб боришимиз зарур, деди мамлакатимиз раҳбари.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ўтган йил давомидаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинди.

Маълумки, 2010 йилда «Баркамол авлод йили» давлат дастури доирасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги улкан ишларни изчил давом эттириш, жумладан, болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Мазкур дастурда белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, биринчи навбатда, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш имконини берди.

Йиғилишда 2010 йилда болалар спорти объектлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дастурининг ижроси муҳокама этилди. Жумладан, ўтган йили 95 та объект ишга туширилгани, шунинг 61 таси қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилгани қайд этилди. Шунингдек, иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан тендер савдолари ва маблағларни қайта тақсимлаш натижалари бўйича қўшимча равишда 4 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилгани ҳам ижобий баҳоланди.

Бу йил «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларининг финал босқичи Сурхондарё вилоятида ўтказилади. Шу муносабат билан Термиз шаҳрида бир қатор янги болалар спорти мажмуалари қурилмоқда. Хусусан, 10 минг томошабинга мўлжалланган футбол-енгил атлетика майдонига эга бўлган универсал спорт зали барпо этилмоқда. «Кураш» спорт мажмуасини реконструкция қилиш бўйича қўшимча ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз Сурхон воҳасида биринчи марта ўтказилаётган бундай спорт мусобақасини мамлакатимиз ёшларининг катта анжумани, муҳим сиёсий-ижтимоий, маънавий аҳамиятга молик тадбир сифатида юксак савияда ўтказиш, бунинг учун пухта тайёргарлик ишларини олиб бориш бўйича ўзининг таклиф ва тавсияларини билдирди.

Футболни ривожлантириш дастурига мувофиқ 2011 йилда Андижон, Наманган ва Самарқанд вилоятларида профессионал футбол клублари қошида болалар-ўсмирлар футбол клубларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, жорий йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан 149 та объект, жумладан, 130 та болалар спорти объекти, 19 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш кўзда тутилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу объектларнинг 118 таси қишлоқ жойларда бунёд этилади.

Мажлисда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган болалар спорти иншоотларининг, айниқса, сузиш ҳавзаларининг замонавий талаблар даражасида бўлишини таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Ўтган йили ушбу мақсадлар учун 111,1 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 116,8 миллиард сўмни ташкил этди. Хорижий валютадаги тушумлар эса 1,72 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Айтиш жоизки, 2008-2011 йилларда маблағлар тушуми 55,9 фоизга кўпайди ва бу ўз навбатида ҳомийларнинг мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва Жамғарма ишини фаоллаштиришга эътибори ортиб бораётганидан далолат беради.

Ушбу сарф-харажатлар мақсадли амалга оширилди — болалар спорти объектлари ва иншоотлари, сузиш ҳавзаларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш, 2010 йилда фойдаланишга топширилган спорт объектларини жиҳозлаш ишлари бажарилди. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, айниқса, қизларни спорт кийимлари ва анжомлари билан таъминлаш, спорт тадбирларини ўтказиш, мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун ҳам тегишли маблағлар йўналтирилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва маҳаллий ҳокимликлар ўғил-қизларимизни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш борасида фаол ҳамкорлик қилаётгани эътиборга лойиқдир. 2010 йилда бу борада амалга оширилган ишлар натижасида мамлакатимизда 6-15 ёшдаги 1,6 миллион нафар ўқувчи спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланмоқда. Бу борадаги кўрсаткич ҳозирги кунда 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 34,5 фоизга, қизлар орасида эса 24,1 фоиздан 30,9 фоизга етди.

Айниқса, вилоятларда гимнастика бўйича ҳудудий федерациялар ҳамда марказларнинг ташкил этилиши натижасида қизларнинг нафис спорт турлари билан шуғулланиш имкониятлари янада кенгайди. Сўнгги икки йилда бадиий гимнастика билан шуғулланадиган қизлар сони уч баробар ошгани бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, стол тенниси ва сузиш билан шуғулланаётган қизлар сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Президент Ислом Каримов йиғилишда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ёндашувни талаб этишини таъкидлади. Болалар спортини ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун, айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш масаласига атрофлича тўхталди.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, спорт билан шуғулланган қиз бола эртага она бўлади, соғлом зурриёдни дунёга келтиради. Айни пайтда ўз фарзандига спортга меҳр туйғусини сингдиради. Қайд этиш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» дастурининг асосий маъно-мазмуни ҳам шундан иборатдир, деди Юртбошимиз.

Йиғилишда болалар спорти объектларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган зарур спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

2003-2010 йилларда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барпо этилган 1199 та болалар спорти объекти умумий қиймати 18,91 миллиард сўмлик спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланди.

Мамлакатимиздаги Навоий конметаллургия комбинати, «Файз» холдинг компанияси, «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва бошқа корхоналарда, шунингдек, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларида кенг турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хусусан, 2010 йилда «Ўз-Тонг-Хонг Ко» қўшма корхонасида баскетбол, футбол ва волейбол тўплари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида болалар спорти объектлари, аввало мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан жиҳозланмоқда. 2010 йилда фойдаланишга топширилган барча спорт объектлари белгиланган нормативларга мувофиқ ўзимизда тайёрланган спорт ускуналари ва инвентарлари билан тўлиқ таъминланди. 2011 йилда секундомер ва шахмат соатлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг келгуси фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов, Бош вазир ўринбосари Б.Хўжаев, халқ таълими вазирининг ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очилов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

Хотин-қизлар бандлигида касаначиликнинг аҳамияти

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Гулбаҳор МЎМИНОВА,
Республика «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси масъул ходими:

— Бирлашмамиз 2005 йили ташкил этилган бўлиб, ўтган вақт давомида аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, уларнинг хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишига кўмаклашиш борасида кўплаб амалий ишлар қилинди. Кенгашимиз ташкил этган танловлар орқали хотин-қизлар турли грантларни қўлга киритиб, ўз хусусий бизнесини йўлга қўймоқда. Бирлашмада тадбиркорликни бошламоқчи бўлган аёллар учун мунтазам маҳорат дарслари ўтказиб борилади.

Отабек АЗИМОВ,
Марказий банкнинг кредит масалалари бўлими масъул ходими:

— Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритмоқда. Мана шу фактнинг ўзи бу соҳанинг юртимиз тараққиёти учун қанчалик аҳамиятга эга эканини кўрсатади. 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига жами 2 трлн. 690 млрд. сўм кредит, шу жумладан, 485 млрд. сўм микрокредитлар ажратилди.

2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш жойлари ташкил этиш мақсадида банк тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилди ва соддалаштирилди.

Оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитални шакллантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитларни ажратиш механизмлари қайта кўриб чиқилиб, давр талабига мослаштирилмоқда.

Ўтган йили оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капиталга кредит ажратиш билан «Микрокредитбанк» шуғулланган бўлса, бу йил барча тижорат банклари ўз кредит фаолиятида асосий эътиборни шу масалага қаратаяпти.

Дилбар ХОЛИҚОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Аҳоли бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашда касаначилик асосий омиллардан биридир. Касаначиликни ривожлантириш, биринчи навбатда, оила бюджети даромадини оширади, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини қисқартиришга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тасдиқлаган дастурга кўра, ўтган йили 210 мингта иш ўрни ташкил қилинди. Уларга асосан уй бекалари, ёшлар ва ногиронлар жалб этилди. Бу йил эса 220 минг касаначилик иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси «Касаначилик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Қонунчилик палатасига биринчи ўқишда қабул қилиниши учун киритмоқда. Мазкур ҳужжат касаначиликка оид муносабатларни қонун даражасида тартибга солиб, соҳага оид муҳим қоидаларни белгилаб беради. Бу эса соҳа ривожига хизмат қилади.

Тадбирда, шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» жамоатчилик кенгаши етакчиси Мухтасар Абдураҳмонова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комила Каромова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, «Тошкент нон» уюшмаси раҳбари Мақсуд Қосимов, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбековалар касаначиликка оид ҳуқуқий ҳужжатлар, партиямиз Сайловолди дастурини бажаришда унинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритишди.

Тадбирдан сўнг иштирокчилар учрашув жуда фойдали бўлганини таъкидлашди.

Насиба ЗИЯЕВА,
Ногирон-ишбилармон аёллар ассоциацияси аъзоси:

— Биз гиламдўзлик, турли аксесуарлар, бисерли буюмлар тайёрлаш билан шуғулланамиз. Киши ногиронман, қўлимдан ҳеч нарса келмайди, деб боқимандa бўлиб қолиши яхши эмас. Ҳаракат қилса, тер тўкиб ишласа, тўрт мучаси соғ одам қилган иш унинг ҳам қўлидан келади. Кичик тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман. Бунинг учун албатта маблағ керак. Бизнес-режам тайёр. Ўз ҳуқуқларимдан фойдаланиб, банкдан кредит олмоқчиман. Бугун шу масалада ўзимни ўйлантирган саволларга жавоб олдим.

Муҳаррам ҒОФУРОВА,
Тошкент шаҳридаги қурилиш касб-ҳунар коллежи талабаси:

— 3 йилдан буён тикувчилик билан шуғулланаман. Икки ҳамроҳим билан аёллар либосини тикамиз. Шу соҳада ўз бизнесимни йўлга қўймоқчиман. Бугунги тадбирда кредит олиш тартиби, тадбиркорлик ҳуқуқлари бўйича атрофлича тушунча берилди. Шу билан бирга, мутахассислар ҳам йўл-йўриқ кўрсатишди. Энди мақсад йўлида дадил қадам ташлайман.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўқув-машғулот

Ҳудудий семинар

Қашқадарёда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари фаолиятини ташкил этишга доир ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Унда асосий эътибор Президентимиз илгари сурган Концепция ҳамда йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифаларга қаратилди.

Ўқув-семинарни вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нуриддин Зайниев олиб борди.

Йиғилишда Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиялари раҳбарлари, депутатлар, вилоят Адлия бошқармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қашқадарё вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази раҳбарлари ва бошқалар иштирок этди. Семинарда мавзуга оид масалалар таҳлил қилинди.

Тадбирда маҳаллий Кенгашлар депутатларини қизиқтирган масалалар бўйича савол-жавоб бўлди.

Кун тартибидаги мавзунинг чуқур муҳокама этилиши маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасидаги вазифаларни янада ойдинлаштирди, уларни фаол бўлишга ундади.

Музаффар ТУРОПОВ

Фракция фаолияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракцияси давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепция асосида қонун ижодкорлиги дастурини ишлаб чиқди.

Мазкур дастурдаги қонун лойиҳалари бўйича маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ҳам таклифлар тайёрламоқда.

Қонун лойиҳаларининг ҳар жиҳатдан пишиқ бўлиши учун масалага масъулият билан зийрак ёндашув ва ўзаро фикрлашув талаб этилади.

Депутатлик назорати

Имкониятлар етарли, аммо...

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Семинарда Юртбошимиз илгари сурган Концепцияни ҳаётга татбиқ этиш, бу борада ЎзХДП Марказий Кенгаши ишлаб чиққан Ҳаракат дастурига мувофиқ маҳаллий Кенгашларда иш олиб бораётган депутатлар фаолиятини кучайтиришга эътибор қаратилди. Дастлаб ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков Концепция ва ундаги устувор йўналишлар, белгиланган вазифаларнинг ҳар бир кишига дахлдорлиги, шунингдек, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари электорат манфаатини кўзлаб қилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

— Мавжуд муаммоларни ечишга ҳаракат қиладиган бўлса, депутатлик гуруҳлари учун ваколат ва имконият етарли, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов.** — Депутатлар мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, амалий ишга киришиши лозим. Маҳаллий Кенгашларда бошқа партияларга нисбатан, бизнинг ХДПдан сайланган депутатлар кўпчиликни ташкил этади. Шундай экан, депутатларимиз доимий комиссиялар ишида фаол бўлиб, жойларда ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этишда ўз позициясига эга бўлиши керак.

— Депутатлар фаолиятига назар ташласак, ютуқлар билан бирга, камчиликлар ҳам борлигини кўрамиз, — дейди **партиямиз фаоли, Олий Мажлис Сенати аъзоси, вилоят «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев.** — Шундай депутатларимиз борки, у ёки бу масалани Кенгаш йиғилишларида кўтариб чиқиш у ёкда турсин, ҳатто оддий йиғинда ўз фикр-мулоҳазасини баён эта олмайди. Бу камчиликни бартараф этиш учун вилоят Кенгашига депутатлик гуруҳи аъзоларининг таклифини киритдик. Унга кўра, ҳар бир депутат вилоятдаги ўқув юртларига чиқиб, мамлакатимизда кечаётган жараён, амалга оширилаётган ислоҳотлар бўйича таҳлилий маъруза қилади. Бу аҳоли тушунчасини бойитиш, сиёсий маданиятини ошириш билан бирга, депутатнинг ўзини ҳам чархлайди, дунёда ва мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради, ўз устида ишлашга ўргатади, қолаверса, нотиқлик малакасини шакллантиради.

— Мамлакатимизда сиёсий партиялар ва улардан сайланган депутатларга масъулиятли вазифалар юкланган, — деди **«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, партия фаоли Ҳасан Нормуродов.** — Ҳатто ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш вазифаси уларга ишонилган. Ана шу ишончни оқлаш депутатнинг вазифаси. Электорат ташвишларига шерик бўлиш, ҳаётий масалаларни сессияларга олиб чиқиш, уларнинг ечимини топиш зарур. Бу борада бирмунча ишлар қилинаяпти, аммо унинг кўламини кенгайтириш керак.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан **ЎзХДП Каттақўрғон шаҳар кенгаши раиси Тоҳир Ҳамедов** партия фаоллари ва депутатлар қилаётган ишлар, олдинда турган вазифалар ҳақида гапирди. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг тўй-ҳашамларни ортиқча дабдабасиз ўтказиш ҳаракати қўллаб-қувватлангани таъкидланди.

— Танқид ва мунозараларга бой бўлган семинарда амалий ишларни кучайтиришга ундади, — дейди **ЎзХДП Булунғур туман кенгаши раиси Турсун Йўлдошев.** — Концепцияда белгиланган вазифалар бўйича қилиниши лозим бўлган асосий ишлар янада ойдинлашди. Ҳар бир депутат электорат манфаати йўлида, ибратли ва фойдали ишлар қилмоғи лозим. Давр биздан шуни талаб этмоқда.

Семинар якунида таклиф ва тавсиялар асосида тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Шуҳрат ЭШБОЙ

Жиноятга жазо муқаррар

Бир маҳалла мутасаддилари

томонидан аҳолининг кам таъминланган қатлами учун ажратилган ижтимоий нафақаларнинг талон-торож қилинганлиги ҳақида

2008 йилнинг декабрь ойида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловда Жиззах шаҳридаги «Иттифоқ» маҳалласи фуқаролари Шокиржон Розиқовга катта ишонч билдиришган ва уни маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайлашган эди. Лекин минг афсуслар бўлсинки, у маҳалладошлари ишончини оқламади.

Одам шайтон васвасасига тушса, ҳеч қандай пасткашликдан қайтмас экан. Шокиржон Розиқов ҳам текин даромад топиш дардида оғир жиноятга қўл урди, муҳтож ва эҳтиёжмандлар ҳақига чанг солди. Бу йўлда унга ҳамтовоқлар ҳам топилди. Улар муқаддам маҳалла котиби бўлиб ишлаган, фуқароларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш борасида тушунчага эга Ўктам Тожибоевга, маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги ижтимоий нафақалар тайинлаш ва моддий ёрдам бериш комиссияси аъзоси Зебо Холиқовалар эди.

Шу тариқа жиноий гуруҳ 2009 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 1 октябригача бўлган давр оралиғида 16 ёшгача нафақа олиш учун 585 нафар, 2 ёшга тўлгунча нафақа тайинлаш борасидаги 312 нафар ва моддий ёрдам сўраб қилинган 127 нафар фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнида ваколатларини суиистеъмол қилдилар. Бу эса жами 10 миллион 445 минг 611 сўм миқдоридаги давлат пул маблағларининг амалдаги қарорлар ва тартиб-қоидаларга хилоф равишда нотўғри тўлаб юборилишига олиб келди.

Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мана бу мисолларга эътибор қаратайлик. Қирғизистон Республикаси Конт тумани, Аққудуқ қишлоғида яшовчи Замира Тўқсонова бир юмалаб, «Иттифоқ» маҳалласида истиқомат қилувчи кишига айланди-қолди. Бу ҳақда сохта муълумотлар илова қилинди ва унга 3 нафар фарзандлари учун 2009 йилнинг январь ойидан декабрь ойигача ва 2010 йилнинг январь ойидан июль ойигача жами 766 минг 258 сўм нафақа ноқонуний равишда тўлаб юборилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ижтимоий нафақалар белгилаш ва моддий ёрдам тайинлаш комиссияси аъзоси Зебо Холиқова эса қизининг номидан моддий ёрдам сўраб ўзи ариза ёзишдан ва тегишли ҳужжатларни сохталаштиришдан, шу йўл билан 2009-2010 йиллар давомида жами 573 минг 321 сўм давлат маблағини ўзлаштиришдан тап тортмади. У бу хатти-ҳаракати билан Вазирлар Маҳкамасининг **«Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги** Низоми талабларини қўпол равишда бузди. **Мазкур ҳужжатда объектив сабабларга кўра оиланинг биринчи нав-**

батдаги эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган кам даромадли оилалар ва ёлғиз фуқаролар (балоғатга етмаган болалари бўлган, кўп болали оилалар, боқувчиси ногирон ёки меҳнат қобилиятини қисман йўқотган сурункали касал оилалар, ишсизларнинг оилалари, ёлғиз пенсионерлар ва бошқа ўта муҳтож оилалар) ҳар ойлик моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эгадирлар, деб аниқтиниқ қилиб белгилаб қўйилган. Зебо Холиқованинг ўзи «Шерзод-Викрам» ширкати раиси, ўғли эса Жиззах шаҳар «Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» марказида инспектор вазифасида ишлаётган бир шароитда оиланинг моддий ва мулкий аҳволи нафақа тўлашни тақозо этмагани ҳолда шундай ножўя ишга қўл урди.

Фуқаро Нигора Ибрагимова Тошкент шаҳрида рўйхатда туради. Лекин унга 2 ёшгача бўлган фарзанди учун айнан шу маҳалла ҳисобидан 201 минг 870 сўм, Бахмал тумани Ўдамали қишлоғида рўйхатга олинган Шаҳноза Суюновага эса 218 минг сўм нафақа пуллари ҳукумат қарорига зид равишда тўланган.

Қуйидаги рақамларга эътибор беринг: 16 ёшгача болали оиларга 16 ҳолат бўйича жами 3 миллион 353 минг сўм нафақа ғайриқонуний тайинланган ва тўлаб юборилган. Яна 28 ҳолат бўйича жами 6 миллион 519 минг 230 сўм ишламайдиган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш учун тайинланган ва тўланган нафақаларда ҳам турли кўриниш ҳамда даражадаги хато-камчиликлар, ҳатто сохталикларнинг мавжудлиги аниқланган.

Савол туғилади: маҳаллада бўлаётган бу каби ғайриқонуний ҳолатлардан маҳалла фуқаролар йиғини раиси, комиссия аъзоларининг масъулиятсизлиги, ҳаттоки, жиноий хатти-ҳаракатларидан шаҳар ҳокимлигидаги мутасаддилар, нафақалар тайинлаш бўйича биркитилган вакиллар, назоратчилар бехабар қолишдимикан? Улар нима учун маҳаллада содир бўлаётган бундай нохуш воқеаларга нисбатан лоқайд муносабатда бўлишди, ижтимоий адолат тамойилларининг бузилиши, давлатимиз аҳолининг ночор қатламини ҳимоя қилиш учун ажратаётган маблағларнинг эҳтиёжмандлар қолиб, ёрдамга муҳтож эмасларга берилаётганига кузатувчи, томошабин бўлиб келишди?

Тасаввур қилайлик: ҳар қайси маҳаллада амалдаги қонун-қоидалар, тартиб ва низомларни назар-писанд қилмасдан миллионлаб сўм бюджет маблағлари шундай талон-торож қилинаверса, мақсадсиз сарфланаверса, мамлакат бўйича бундай ноқонуний, нотўғри ишлатилган маблағлар қанчани ташкил этади?

Етим-есирнинг бошини силаш, камбағалга қайишиш, ночорларга ёрдам бериш сингари азалий урф-одатлар, анъаналар, қадриятларга эга халқмиз. Афсуски, ана шу қадриятларимизга анчайин соя солаётган, урф-одатларимизни менсимасдан эҳтиёжмандларнинг ҳақига хиёнат қилиш, бунинг учун тегишли ҳужжатларни қалбакилаштиришдан ҳам тап тортмасликни қандай изоҳлаш мумкин? Буни бирон-бир тарзда хаспўшлаш, оқлаш тўғримикан?

Халқимиз билиб айтган: ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. Балойи нафснинг қулига айланган ва ғаразли мақсадларни кўзлаб қинғир ишга қўл урган ҳамтовоқлар ҳам қонун олдида жавоб бердилар ва қилмишларига яраша жазо олдилар.

Қаҳрамон ХОЛМУРОДОВ,
Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг раиси.
Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

«Green world»нинг шифобахш маҳсулотлари

Хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда корхоналар ташкил этиш ва муваффақиятли бизнес юритиш учун юртимизда барча шарт-шароит яратилган. Бу хорижлик ишбилармонларнинг мамлакатимизга сармоя киритишга қизиқишини тобора оширмоқда.

Буни Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларидаги қатор сармоявий лойиҳаларда фаол иштирок этаётган АҚШ компаниялари мисолида ҳам кўриш мумкин. Юртимизда ушбу мамлакат билан ҳамкорликда ташкил этилган 240 дан зиёд қўшма корхона фаолият юритаётир.

Пойтахтимиздаги «Green World» Ўзбекистон — АҚШ — Жанубий Корея қўшма корхонаси ана шундай савдо-саноат муассасаларидан.

Ўз фаолиятини 1999 йилда бошлаган «Green World» қўшма корхонасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан турли мева шарбатлари, мураббо, шинни ва консервалланган тузлама маҳсулотлари тайёрланади.

Маҳсулотларига талаб катта бўлгани учун корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошмоқда. Бу ерда 2010 йилда 9,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилда эса бу кўрсаткични 11 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

Юртимизда яратилган қулай сармоявий муҳит, қонун билан кафолатланган преференциялар чет эллик ишбилармонлар билан биргаликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш баробарида мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланишига хизмат қилмоқда.

Мадина УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

Модернизация: сифатли маҳсулот ва янги иш ўрни

Беруний «Ёғгар» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб катта.

Корхонада ўтган йили 30 минг 188 тонна чигитни қайта ишлаб, шундан 5 минг 555 тонна рафинацияланмаган ёғ, 4 минг 877 тонна рафинацияланган ёғ, 1 минг 141 тонна қадоқланган ёғ тайёрланди. Шунингдек, 1 минг 435 тонна кунгабоқар уруғидан 371 тонна рафинацияланмаган, 328 тонна рафинацияланган ёғ, 560 тонна шрот ишлаб чиқарилди. Ялпи маҳсулотнинг солиштирма нархи 7 миллиард 646 миллион 860 минг сўмни, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 12 миллиард 494 миллион 486 минг сўмни ташкил этди.

2007 йилнинг декабрь ойида Хитой Халқ Республикасининг «Хунан Чжунхон» масъулияти чекланган компанияси билан ҳамкорликда бир кеча-кундузда 100 тонна кунжарани қайта ишлайдиган экстракция цехи қурилиб, ишга туширилди. Технологик ускуналар харид қилиш учун 390 миллион, қурилиш-монтаж ишларига 340 миллион сўм сарфланди. Корхона 600-700 миллион сўм қўшимча даромад оладиган бўлди.

— Ўтган йили корхонамизда модернизация қилиш ва техник такомиллаштириш бўйича ишлар амалга оширилди, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси вазифасини бажарувчи Исмоил Матякубов. — Сув тармоқларини янгилаш учун 50 миллион сўм, канализация тармоқлари бўйича 30 миллион сўмлик иш бажарилди. Корхона маблағи ҳисобидан жами 490 миллион сўмлик иш қилинди.

Модернизация қилиш борасида корхона жамоаси йилнинг барча кўрсаткичларини ошириб бажарди.

— Корхонамизда ишловчи кам таъминланган, ёрдамга муҳтож кишиларга мунтазам равишда моддий ва маънавий кўмак берилади, — дейди ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Муҳаббат Жуманова. — Улар юртимизда ва жаҳонда юз бераётган янгиликлардан хабардор бўлиб бориши учун 22 миллион 949 минг сўмлик газета-журналга обуна ташкил этилган. Янги иш жойлари ташкил этиш, ишсизларни иш билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Корхона қошида шу тариқа яна ўнлаб одамлар иш билан таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг режалари катта. Январь ойи шартнома-режаси ошириб адо этилди. Йил охиригача корхона 33 минг тонна техник чигитни қайта ишлаб, 6 минг 200 тонна қора ёғ, 5 минг 520 тонна оқартирилган ёғ, 15 минг 80 тонна шрот, 9 минг 900 тонна шелуха ҳамда оқартирилган ёғни 100 фоиз қадоқлашни мўлжаллаган. Бундан ташқари, 2 минг тонна кунгабоқар уруғини қайта ишлаб, шундан 560 тонна қора ёғ, 500 тонна оқартирилган ёғ ҳамда 920 тонна шрот олиш кўзда тутилган.

Корхонада янги иш жойлари ташкил этиш учун кондитер цехи ҳамда иссиқхона қурилиши бошлаб юборилди. Шу тариқа яна 15-18 та янги иш ўрни очилади. Бу эса жамиятга қўшимча даромад келтиради, ёрдамга муҳтож аҳолини ижтимоий муҳофазалашга хизмат қилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ГУП «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

объявляет тендер на разработку проектно-сметной документации по системе управления и автоматизации ЦЗС.

Желающих предложить свои услуги просим прислать заявку на получение тендерной документации по адресу: 100167 г. Ташкент, ул. Садикжана Талипова 13, первому заместителю директора аэропорта Юсупову Ш.Н.

В заявке указать желаемый для вас способ пересылки документов (почта, факс, электронная почта) и соответствующие адреса и телефоны.

Тендер проводится с 5 по 7 апреля 2011 г.

Прием документов до 4 апреля 2011г. по адресу указанному в инструкции.

Дополнительную информацию можно получить по телефонам: 8-10-99871-1402846, 8-10-99871-1402937.

E-mail: gsm.tas@uzairways.com

AGROBANK

«АГРОБАНК» ОАТБ

замонавий, қулай ҳисоб-китоб ва жамғарма воситаси бўлган миллий ҳамда чет эл валютасидаги карточкаларини таклиф этади!

Миллий валютадаги пластик картлар учун 2011 йил 1 апрелдан бошлаб қуйида келтирилган тартибда фоизлар тўланади:

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР учун — *йиллик 1%*
ТАЛАБАЛАР учун — *йиллик 10% (имтиёзли)*
ЁШ ОИЛАЛАР учун — *йиллик 12% (имтиёзли)*

Чет эл валютасидаги Visa Cardлар:

VISA ELECTRON
VISA CLASSIC
VISA GOLD

«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

Хизматлар лицензияланган

Бобур номли жамоат фонди томонидан чиқарилган баҳоси 500 сўм қийматидаги «Бахт қуши» лаҳзалик пул-буюм хайрия лотереясининг 11-чиқариш ўйинлари тугатилганлиги муносабати билан ютуқли билетлар 2011 йил 25 майга қадар қабул қилинади. Кечиккан ютуқ соҳибларига ютуқлар тўланмайди.

Бобур номли жамоат фонди

Баркамол ёшлар — юрт таянчи

Ёшларга аталган фестиваль

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида «Истиқлол умидлари» ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси томонидан ташкил этилган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, пойтахтимиздаги умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари иштирок этди.

Бугун ўғил-қизларнинг нафақат касб ва интеллектуал салоҳиятини, балки маънавиятини ҳам юксалтириш – давр талаби. 2010 йилда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ўсмирлар билиб-билмай ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизда ҳам ўғил-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, ёшларга ҳар жиҳатдан ёрдам ва эътибор кўрсатиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатини бартараф этиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

– Коллежимизда ўқувчилар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий-маърифий ишларда маънавий муҳитни янада соғломлаштиришдан то ишга жойлаштиришгача бўлган барча жараён қамраб олинган, – дейди Республика дизайн коллежи директори Шоносир Муродов. – Ўқувчилар вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш – уларни турли салбий таъсирлардан ҳимоялашда, келгусида ўз соҳасининг билимдони бўлиб етишишида, иш билан таъминланишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Бадиий академияси, «Ҳунарманд», «Усто» каби ижодий уюшмалар, ёғоч ўймакорлиги, мебелсозлик, интерьер ва меъморчиликка ихтисослашган ўндан ортиқ корхона ва ташкилотлар билан имзоланган шартномалар асосида ўқувчиларимиз касб амалиётини ўтаб, иш билан таъминланмоқда.

– Мактабимизда саккиз юз нафардан ортиқ ўғил-қиз ўқийди, – дейди Шайхонтоҳур туманидаги 157-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўринбосари Нигора Қаюмова. – Болаларда меҳнат қилиш, муайян касбга қизиқишни шакллантириш, уларнинг дарсдан кейинги вақтини мазмунли ташкил этишга тарбиявий жараёнда алоҳида масъулият билан ёндашилади. Ҳозир билим даргоҳимизда йигирмадан зиёд фан, бадиий ижодиёт ва спорт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда, «мактаб — маҳалла — оила» ҳамкорлиги мустаҳкам йўлга қўйилган.

Фестиваль доирасида ёшлар ижодига бағишланган бадиий кўргазма, ёзувчи ва шоирлар, спортчилар билан учрашувлар, жонли мулоқотлар, маърифий анжуманлар ташкил этилди. Санъат, спорт усталари, ижрочи ёшлар, болалар бадиий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Бешиксозлар

— Бешикларнинг безакларини боплабсиз, уста, — деди харидор бири-биридан кўркам бешикларни кўздан кечираркан. — Меҳнатингизга қойилман.

— Меҳнатимиз маҳсули сизларга ёққанидан хурсандман, — дейди бешиксоз Мадаминжон Йўлдошев. — Фарзанду набираларингиз соғ-саломат улғайишсин. Юртдошларимиз меҳнатимиз маҳсулидан мамнун бўлса, барака топамиз, янада меҳр билан ишлаймиз.

Пахтаобод туманининг «Иттифоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини Гулистон қишлоғида истиқомат қилувчи Мадаминжон Йўлдошев, ўғиллари Мансурбек, Одилжон, Ҳакимжон, Яҳёбек ва Олимжон доимо эл эътиборида.

Устанинг гапига қараганда, бешикчилик маҳорату малака талаб этади. Тол навдасидан тайёрланган бешикда ажиб ифор бор. Бу боланинг тинч ором олишига кўмак беради. Улар ҳар ой 80 та бешик ясаса, шунча хонадон қувончига қувонч қўшишади. Устанинг хонадони файзли, фарзандлари оқил. Яқинда Одилжон билан Мансурбекнинг никоҳ тўйлари қувончли ўтди. Замонавий русумдаги автомобиль харид қилишди. Бу ҳаммаси хусусий тадбиркорлик самарасидир.

— 2011 йилга Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб ном берилиши шижоатимизни янада оширди, — дейди уста. — Маҳалламиздаги беш нафар ёшга ҳунар ўргатишга аҳд қилдик. Мақсад Гулистон қишлоғида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириб, ҳунарли ёшлар сафини кенгайтиришдан иборат.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Болалар спорти



Бухоролик бадиий гимнастикачилар

Мамалакатимиз бадиий гимнастикачиларининг халқаро майдонда эришаётган ютуқларида Бухоро вакилларининг ҳам катта улуши бор. Бухоро шаҳридаги 5-сонли ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари спорт мактабига қарашли «Нафис» гимнастика саройида маҳоратли спортчилар тайёрланмоқда.

— Мазкур маскан 1998 йилда ўз фаолиятини бошлаганди, — дейди «Нафис» гимнастика саройи директори Азизбек Содиқов. — Бу ерда нафақат машғулотлар, балки республика ва халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларни юксак савияда ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Татьяна Роговая бошчилигидаги тажрибали мутахассисларимиз иқтидорли ёшларни танлаб, мамлакатимиз терма жамоаси учун муносиб номзодлар тайёлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Саройимизда шуғулланаётган қизларимиздан олти нафари айни пайтда Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Бугунги кунда бухороликлар айнан «Нафис»да илк кўникмаларни олган Замира Саноқулова, Ҳусниябону Ғуломова, Сабрина Холиқова, Баҳринисо Эргашева сингари моҳир гимнастикачилар билан ҳақли равишда фахрланишади. 2010 йили бухоролик гимнастикачилар нафақат мамлакат миқёсидаги, балки халқаро мусобақаларда ҳам юксак натижаларни қўлга киритишди. Жумладан, Ҳусниябону Ғуломова пойтахтимизда ўтказилган Осиё чемпионатида олтин медаль билан тақдирланган бўлса, Замира Саноқулова Гуанчжоу (Хитой)да ўтган Осиё ўйинларида шоҳсупанинг фахрли иккинчи поғонасидан жой олди.

— Олти йилдан бери бадиий гимнастика билан шуғулланаман, — дейди Осиё чемпиони Ҳусниябону Ғуломова. — Албатта, бошида бироз қийналганимни яширимайман. Қийинчиликларни енгишимда тажрибали мураббий Римма Хохлованинг катта ҳиссаси бор. Устозимнинг ғамхўрлиги туфайли аста-секин маҳоратим ошиб, аввалига Ўзбекистон чемпионатида ғолибликни қўлга киритдим. Сўнгра мамлакат терма жамоаси таркибига олишди. 2008 йилдан бошлаб дунёнинг турли давлатларида ўтказиб келинаётган нуфузли халқаро турнирларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиляпман. Орзуим эса келгуси йили Лондонда бўладиган ХХХ ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритишдир.

Лазиза ШЕРОВА,
журналист

Замонавий тиббиёт масканлари

Ўтган йили Сурхондарё вилоятининг олис тоғ қишлоқларида ҳам кўплаб қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди, улар умумий амалиёт шифокорлари билан таъминланди.

Соҳадаги ишларни янада яхшилаш мақсадида турли лойиҳалар ҳаётга жорий этилмоқда. Масалан, «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида барча ҚВПлар замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди, шифокорлар, тиббий ходимлар таркиби мустаҳкамланди, «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида мазкур шифо масканларига 27 миллиард сўмлик тиббий асбоб-ускуна келтирилди.

Ҳозир вилоятда Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг филиали самарали фаолият олиб бормоқда. Яқинда марказ филиалига 2,1 миллиард сўмлик қўшимча тиббий ускуналар келтирилди. Бундан ташқари, ўтган йили 583 миллион 597 минг сўмлик тиббиёт ускуна ва компьютер томографияси олинган эди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам вилоятда муайян ишлар амалга оширилляпти. Жумладан, малакали тиббий мутахассисларнинг гуруҳлари Узун, Сариосиё, Бойсун, Олтинсой, Денов, Музрабод, Қизириқ, Қумқўрғон, Жарқўрғон ҳамда Шеробод туманларида бўлиб, туғиш ёшидаги аёлларни тиббий текширувдан ўтказди. Тиббий ёрдамга муҳтожлар амбулатория ва стационар шароитларда даволаниб, саломатликларини тиклашди.

Вилоят скрининг марказида эса ҳомиладор аёллар неонетал скрининг текширувидан ўтказиляпти. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида гўдакларнинг туғма нуқсонлар билан туғилиши камайиб бормоқда.

Вилоятда аҳолига малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, жойлардаги тиббий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Чунончи, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Қизириқ, Жарқўрғон ҳамда Қумқўрғон туманларида тиббий масканлар қуриш ва реконструкция ишлари учун бюджетдан маблағ ажратилган. Ангор туманидаги 40 ўринли юқумли касалликлар бўлимида қурилиш ишлари тугалланди. Шеробод туманидаги Улаш Туробов номли қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 150 ўринли шифохонада қурилиш-монтаж ишлари давом этаяпти.

Абди ҚОДИРОВ

Ўзбекистон кубоги: қуръа ташланди

Ўзбекистон футбол федерациясида мамлакат кубогининг 2011 йилги учрашувларига қуръа ташланди. Мусобақа низомига кўра, бу йилги баҳсларда олий ва биринчи лигада тўп сурадиган ўттиз тўртта жамоа ғолиблик учун кураш олиб боради.

Дастлабки ва 1/16 финал босқичида ғолиб жамоа номи бир учрашув натижасига кўра аниқланади. 1/8 финалдан бошлаб кучлилар икки (уй-сафар тизими) ўйин орқали сараланадилар.

Мусобақа тартибига мувофиқ, барча олий лига жамоалари 1/16 финал босқичидан ўйинларни бошлайдиган бўлди. Биринчи босқич учрашувлари 17 апрелда ўтказилади. Унда иккита ўйин бўлиб ўтади: «Жомбой» (Жомбой) – «Янгиер» (Янгиер), «Ерқўрғон» (Косон) – «Регистон» (Самарқанд).

Қуръага кўра, 29-30 апрелда ўтиши белгиланган 1/16 финал учрашувларида қуйидаги жамоалар ўзаро баҳс юритади:

«Хива» (Хива) – «Бунёдкор» (Тошкент)
«Ерқўрғон» – «Регистон» учрашуви ғолиби – «Олмалиқ» (Олмалиқ)
«Жайхун» (Нукус) – «Сўғдиёна» (Жиззах)
«Гулистон» (Гулистон) – «Хоразм» (Урганч)
«Жомбой» – «Янгиер» учрашуви ғолиби – «Машъал» (Муборак)
«Динамо-Ғаллакор» (Ғаллаорол) – «Локомотив» (Тошкент)
«Оқтепа» (Тошкент) – «Металлург» (Бекобод)
«NBU-Осиё 1105;» (Тошкент) – «Насаф» (Қарши)
«Спартак» (Тошкент) – «Пахтакор» (Тошкент)
«Шўрчи-Лочин» (Шўрчи) – «Андижон» (Андижон)
«Машъал-Академия» (Муборак) – «Нефтчи» (Фарғона)
«Насаф-2» (Қарши) – «Қизилқум» (Зарафшон)
«Имкон» (Олтиариқ) – «Бухоро» (Бухоро)
«Косонсой» (Косонсой) – «Динамо» (Самарқанд)
«Чуст-Пахтакор» (Чуст) – «Навбаҳор» (Наманган)
«Зарафшон-НЦЗ» (Навоий) – «Шўртан» (Ғузор).

Нимчорак финал босқичи учрашувлари 6-7 май ва 24-25 июнь кунлари бўлиб ўтиши белгиланган.

Эркин ХОЛБОБО

ОБ-ҲАВО 26-27.02. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	-3°C	-5°C
Самарқанд	0°C	-5°C
Нукус	-5°C	-10°C
Қарши	-5°C	-10°C
Урганч	-5°C	-10°C
Навоий	-5°C	-10°C
Фарғона	0°C	-5°C
Бухоро	-5°C	-10°C
Андижон	0°C	-5°C
Наманган	0°C	-5°C
Термиз	-5°C	-10°C
Жиззах	0°C	-5°C
Гулистон	0°C	-5°C
Тошкент вил.	0°C	-5°C
Лондон	5°C	5°C
Париж	3°C	5°C
Москва	-20°C	-21°C
Мадрид	6°C	5°C
Пекин	-6°C	-5°C
Гонгконг	10°C	13°C
Рим	2°C	8°C
Анқара	-1°C	-4°C
Токио	1°C	2°C
Стокгольм	-12°C	-7°C
Кейптаун	18°C	18°C
Қоҳира	9°C	7°C
Гавана	16°C	15°C
Вашингтон	-1°C	-1°C

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 249
20013 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 04.00
Topshirilgan vaqti — 04.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5